



## ИЛК АРАБ-МУСУЛМОН ДАВЛАТЧИЛИГИ РИВОЖИДА ИЛМ-ФАННИНГ ЎРНИ

**Зоҳидов Қобил Тоиржонович**

Тарих фанлари номзоди, доцент.

Янги аср университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7445418>

### ARTICLE INFO

Received: 06<sup>th</sup> December 2022

Accepted: 15<sup>th</sup> December 2022

Online: 16<sup>th</sup> December 2022

### KEY WORDS

Ҳижозий, қуфий, мусҳаф, Абу-л-Асвад ад-Дуалий, иғроб, ан-наҳв, ал-Қуръон, ал-Ҳадис, Усмон мусҳафи, ас-сухуф.

### ABSTRACT

Мақолада араб-мусулмон давлати таркибига кирган ҳудудларда ёзув ва унинг турлари, илм-фан ривожига таъқиқ омиларнинг таъсири тадқиқ этилган. Қуръони каримнинг ёзув ҳолатга келиши ва бу билан боғлиқ масалалар таҳлил этилган. Шунингдек, ҳадис тўпламларининг вужудга келиш сабаблари ва бу билан боғлиқ муаммолар ҳам ўрганилган. Илк ислом давлати таркибига кирган ҳудудлардаги аҳолининг илм-фанга бўлган муносабати ва унга бўлган тарғиб ва рағбат муҳокама қилинган.

Ҳар бир халқнинг маданий юксалиши ва цивилизациясининг баҳоланишида ёзув муҳим ўрин тутди. Араб ёзуви IV асрда оромий-наботий ёзув асосида пайдо бўлди. Бу ёзув Ҳижозда тарқалгандан сўнг, *ҳижозий* деб номлана бошлади. Тадқиқотларда Арабистон ярим оролида *ҳижозий* ёзувдан олдин *маккий* ва *маданий* ёзувлар мавжуд эди, деган хулосалар учрайди [21; 31]. Тўғри, Макка шаҳрида Мадинага қараганда ёзув илгарироқ пайдо бўлган. Бунинг сабаби савдо сотиқ ривожланган шароитда чорвачилик ва деҳқончиликка асосланган жамиятдан кўра ёзувга эҳтиёж кўпроқ бўлади. Маккаликларда савдо-сотиқ шартномасини олдиндан ёзиб қўйиш амалиёти мавжуд эди [3; 663-664]. Аммо, бу ёзув айнан *ҳижозий* бўлиб, тарихий манбаларда *маккий* ва *маданий* номли ёзувлари ҳақида ҳеч қандай маълумот

учрамайди. Ислом дини тарқала бошлаган даврда Арабистон ярим оролида *ҳижозий* хат тури кенг қўлланилар, ваҳий, Абу Бакр саҳифалари ва Усмон мусҳафи ҳам айнан шу хатда битилган эди. Усмон мусҳафи ҳар хил ёрдамчи шакл ва нуқталардан холи ёзилган. Унга *жузълар*, *ҳизблар* ва бошқа кўрсаткичларнинг аломатлари қўйилмаган. Куфа ёзуви пайдо бўлгунча *Мусҳаф* ва бошқа ҳужжатлар ана шу хатда ёзилган. *Куфий* ёзуви *ҳижозий* хатининг нақш билан безатилганидир [20; 26]. *Куфий* хати ўзининг шакли жиҳатидан чиройли ва қулай бўлганлиги сабабли Қуръон ва бошқа кўплаб асарлар *куфий* хатида битила бошлади.

Арабистон ярим оролида хат-ёзув мавжуд бўлсада, унинг мукамал эмаслиги, араб бўлмаган аҳоли учун



Ўрганишнинг қийинлиги давлат ишларида бир қатор қийинчиликларни туғдира бошлади. Арабистон ярим оролидан ташқаридаги минтақаларда расмий ҳужжатлар забт этилган ҳудуд тилида олиб борилди. Масалан, девон ишлари Мисрда қибтий, Шомда юнон, Ироқда эса форс тилларида юритилди [5; Т.3. 109, 9; 249]. Маълумки, халифа Умар ибн ал-Хаттоб даврида девон тизими эронликлардан ўзлаштирилди. Аввало, эронликлар учун девонлар тизими қадимдан маълум бўлиб, уни бошқа тилда олиб борилиши бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқарариши муқаррар эди. Иккинчидан, араблар томонидан забт этилишига қарамасдан ўз ёзувларини сақлаб қолган Шом ва Мисрда янги ташкил этилган ҳукумат ҳужжатлари Мадинада мавжуд *ҳижозий* ёзувнинг ноқулайлиги туфайли ундан воз кечишга тўғри келди. Чунки, *ҳижозий* ёзувида 22 ҳарф мавжуд бўлиб [18; 24-25, 22; 170-171], ҳарфларнинг бир-бирига қўшиш орқали ясаладиган товушлар табиийки, араб бўлмаган аҳоли талаффузида бир қатор ноаниқликлар яратиши табиий эди.

Аҳолининг кундалик маданий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутадиган воситалардан бири пул муомаласидир. Араб-мусулмон давлати Византия ва Сосонийлар империясига тегишли ҳудудларни забт этганларидан кейин ҳам бу давлатларда қадимдан мавжуд бўлган тилла ва кумуш тангалар сақланиб қолди. Бу тангалардаги зардуштийлик ва христиан динларига оид рамзлар сақланиб қолди. Бу тангалар Умавий халифа Абд ал-Малик ибн Марвон (686-705) давригача шу ҳолатда зарб этилди [10; 143]. Демак, янги ташкил топаётган давлатда истило

этилган ҳудудларни исломлаштириш билан араблаштириш жараёнларини амалга ошириш бир муддат кечиктирилди.

Маълумки, Муҳаммад пайғамбар (ﷺ) даврларида Қуръони карим етти хил лаҳжада (610-632 йиллар) нозил қилинган. Абу Бакр тўплам ҳолига келтирган Қуръонда ҳам етти *қироъат* мавжуд эди. Етти ҳарф, лаҳжа ёки қироат деганда қурайш, хузайл, сақиф, ҳавозин, кинона, тамим, айман лаҳжалари кўзда тутилган.

Пайғамбар (ﷺ) вафотларидан сўнг араб истилолари натижасида турли минтақа мусулмонларининг Қуръон тиловати бир-биридан фарқ қилиб, турли тортишувларга сабаб бўла бошлади. Ҳудудлардаги аҳоли Қуръон тиловатини ўша ердаги қорилардан ўрганар эдилар. Табиийки, бу қорилар бирон-бир лаҳжага мансуб бўлганлар. Масалан, Ҳимс ва Дамашқ аҳли – Муоз ибн Жабал (ваф. 639 й.), Куфа аҳли Абдуллоҳ ибн Масъуд (ваф. 652 й.), бутун Сурия аҳли эса Убай ибн Каъб (ваф. 650) ва бошқалар эса Абу Мусо ал-Ашъарий (ваф. 665 й.) қироатида тиловат қилар эдилар. Бу эса Озарбайжон истилоси давридаги катта ихтилоф туғилишига сабаб бўлди. Халифа Усмон ибн Аффон етти лаҳжадаги Қуръон тўпламларини йиғиб, ягона Қурайш лаҳжасига асосланган мусҳафни ёздиртирди [5; Т.3. 151, 12; 18-19].

Айрим тадқиқотларда «Қуръоннинг таҳрири кейинги асрларда ҳам давом этган», деган хулосалар мавжуд. Хусусан, Л.И.Климович ўз тадқиқотларида «Қуръонни VIII–IX асрларда ҳам таҳрир қилиш давом этган» [13; 44], деган фикрни билдириб



ўтади. Аммо, тадқиқотчининг ушбу фикри бир нечта жиҳатдан мунозаралидир.

Юришлар натижасида арабларнинг ажам халқлар билан чатишиб кетиши Қуръон тиловатида ҳар хил охангларни вужудга келтирди. Бу эса ўз навбатида араб тилининг талаффузи бузилишига ва Қуръон маъноларининг ўзгаришига олиб келди. Тарихчиларнинг маълумотларига кўра, илк араб халифалиги даврида араб ёзуви ва грамматикасига оид деярли ҳеч қандай ислоҳот ўтказилмаган. Аммо, Али ибн Абу Толиб кўрсатмаси билан Абу-л-Асвад ад-Дуъалий (605-688) томонидан араб тили грамматикаси «ан-наҳв» ишлаб чиқилган [9; 497]. Лекин, унинг мукамал эмаслиги ва фойдаланишга ноқулайлиги амалда яхши натижа бермаган. 673 йили Ироқ волийси Зийод ибн Абиҳи (ваф. 689 й.) араб тилида «ан-Наҳв» (синтаксис) дарслигини ёзди ва дарслик кейинги янги дарсликлар тузиш учун намуна вазифасини бажарди. Биринчи марта араб тилида *узроб* (қисқа унли) ҳаракатларни ифодаловчи нуқталардан фойдаланилди. Натижада «а-َ», «и- ِ-», «у- ُ» қисқа унлилар пайдо бўлди. Бундай нуқталар матн ёзувидаги сиёҳдан бошқа рангда бўлиб, араб ёзувининг такомиллаштириш учун қилинган биринчи ислоҳот бўлди. Араб тилининг такомиллашувидаги иккинчи ислоҳот эса, Умавийлар халифалиги даврида, халифа Абд ал-Малик ибн Марвон амалга оширди. Ибн Марвон ажамий қориларнинг Қуръон ўқилишидаги баъзи хатоларга чек қўйиш мақсадида «ح», «ح», «خ», «ي», «ت» ва «ث», «ص» ва «ض», «ط» ва «ظ», «س» ва «ش» каби шакли ўхшаш харфларга

нуқталар қўйишни жорий қилди. Нуқталар ҳарфнинг бир бўлаги сифатида қабул қилиниб, ҳарф билан бир хил сиёҳда ёзилди [12; 30, 22; 172]. Демак, араблар нуқта ва ҳаракат белгиларини ҳижрий биринчи асрнинг иккинчи ярмидан, яъни умавийлар давридан ишлата бошладилар.

Демак, рус тадқиқотчиси Л.И.Климовичнинг фикри амалда мутлақо асоссиздир. Чунки халифа Усмон мусҳафи дастхат қилингандан кейин, амалда ҳеч ким Қуръонни таҳрир қила олмаган, чунки, Мадинадаги мавжуд диний авторитет – уламолар бунга мутлақо йўл қўйиши мумкин эмас эди. Кейинги даврдаги таҳрирлар араб ёзувига тегишли бўлиб, Қуръони каримнинг матнига мутлақо таъсир этмаган. Шунингдек, Л.И.Климовични собиқ иттифоқ даврида умуман динни қоралашга ва жамият учун афюн даражасига олиб чиққан, ўз даврининг “ашаддий худосизлар” жамияти аъзоларидан эканлигини таъкидлаш лозим [24; 240-241].

Қуръони карим халифа Абу Бакр даврида тўпланиб, Усмон даврида ёзма ҳолга келтирилган экан, унинг ҳолати Муҳаммад пайғамбар (ﷺ) даврларида қандай ҳолатда бўлганлиги масаласи муҳимдир. Бу борада баъзи тадқиқотларда илк даврда Қуръонни мусулмонлар ёдлаб олар, ёзма нусхалари эса, ҳижратдан сўнг пайдо бўла бошлади, деган хулосалар учрайди [11; 326]. Аммо, тарихий маълумотлар Қуръоннинг нозил этилган оятларини саҳобалар ёзиб юрганликлари ва уни бошқаларга тарқатганликлари ҳақида Умар ибн ал-Хаттобнинг Қуръон оятлари битилган матнни ўқиганлиги ва ислом динини қабул қилганлиги [5;



Т.З. 199, 12; 10] (616 й.) далил бўла олади. Демак, Қуръон оятларини мусулмонлар ҳижратдан олдин ҳам ёзма ҳолга келтира бошлаганлар.

Академик Муталиб Усмоновнинг фикрича, Усмон ибн Аффон халифалик даврида Қуръондаги сура ва оятлар кетма-кетлиги тартибга солиниб, ҳозирги шаклга келтирган. Узун суралар китобнинг бошида, қисқа суралар унинг охиридан ўрин олиши, тадқиқотларда аниқланишича, қадимий арабларнинг ва умуман Олд Осиёдаги сомиё халқларнинг анъанаси билан боғлиқ бўлган. Хилма-хил ёзувлар, ривоятлар ва адабий асарлар тўпланиб китоб қилинганда, катта ҳажмдаги асарлар биринчи ўринда, кичиклари кейин жойлаштирилган эди. Зайд ибн Собит (ваф. 665 й.) ҳам Сухуфни тўплаб дастхат қилишда ана шу анъанага амал қилган бўлиши керак [18; 61-62].

Аммо, Қуръони карим сураларининг кетма-кетлик масаласи бир мунча мунозаралидир. Бирламчи манбалар ва тадқиқотчилар орасида суралар тартиби *тавқифий* ёки *ижтиҳодий* бўлганлигини таъкидловчилар талайгина. Масалан, аз-Заркаший ўзининг “ал-Бурҳон фи улум ал-Қуръон” асарида “Баъзи сураларнинг тартиби Аллоҳ вожиб қилган иш юзасидан эмасдир. Балки у саҳобаларнинг ижтиҳоди ва ихтиёрига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳар бирларининг ўзлари хоҳлаган тартибдаги мусҳафлари мавжуд бўлган”, деган фикрни таъкидлайди<sup>1</sup>.

Ушбу ихтилоfli масалага ойдинлик киритишда Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг фикрлари ўринли. Олимнинг

фикр ва таҳлиллари ҳар иккала бахшлашувчи томонларнинг ўзаро тортишувларига барҳам бериб, келгуси тадқиқотлар учун амалий кўмак бўлиши табиийдир.

“Заркаший келтирган сабабга таслим бўлиш жоиз эмас. Чунки саҳобаларнинг ўзларига тегишли хос мусҳафларидаги суралар тартиби уларнинг шахсий ихтиёрлари билан бўлган. Лекин ушбу тартибга бошқа бирор кишини мажбур қилмаганлар ҳамда бунинг акси ҳаромдир, деган даъвои ҳам олға сурмаганлар. Зеро, улар ушбу мусҳафларни омма учун эмас, балки ўзлари учун ёзганлар. Усмон (р.а)нинг мусҳафлари тартибини уммат ижмоъ билан қабул қилгач, ёлғиз ҳолдаги мусҳафларни тарк қилганлар. Агар суралар тартиби ўзларининг ижтиҳодига ташлаб қўйилганлигига, бу нарса ўз ихтиёрларига боғлиқ эканига эътиқод қилганларида, албатта, Усмон (р.а)нинг мусҳафлари тартибини эмас, балки ўз мусҳафлари тартибини маҳкам ушлаган бўлар эдилар”.

Ушбу маълумотни ишончлилиги борасида бирламчи манбалардан бўлмиш Пайғамбар (ﷺ)нинг ҳадисларининг ўрни беқиёс. Жумладан, Муслим ривоят қилган ҳадисда, тадқиқ этилаётган мавзу бўйича қуйидагича маълумот берилган. “... *Жаброил менга Қуръонни ҳар йили бир [ёки икки] мартаба тўлиқ ўқиб берар эди, бу йил эса икки мартаба ўқиб берди ...*”.

Демак, Усмон ибн Аффон халифалик даврида китоб ҳолатига келтирган Мусҳафда суралар кетма-кетлиги ўша давр анъанаси ёки Усмон ибн Аффон, Зайд ибн Собит ва бошқа саҳобаларнинг ижтиҳоди бўлмай, ваҳий нозил бўлган

<sup>1</sup> аз-Заркаший. ал-Бурҳон фи улум ал-Қуръон.



пайтнинг ўзидаёқ суралар тартиби аниқ бўлган.

Тадқиқот объектини ташкил этган мазкур даврнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатларини ёритишдаги асосий муаммо тарихий асарларнинг фақат VIII-XI асрларда, яъни даврга нисбатан кечроқ ёзилганлигидадир. VII аср воқеалари уларнинг шоҳидлари – ровийлар орқали етиб келган оғзаки ҳикоялар асосида баён этилади. Мазкур хабарлар аксарият ҳолларда уламолар ва турли диний фирқа - гуруҳ вакиллари томонидан жамланганлиги сабабли уларга ортиқча диний ва субъектив талқин берилган.

Илк ислом тарихини яхлит ҳолда ўз ичига олган манбаларни таҳлил этишда уларнинг муаллифлари қайси диний гуруҳлар, ижтимоий табақаларга тегишли эканлигига алоҳида эътибор бериш зарур чунки, турли муҳитлар (*муржиъийлар, уммавийлар, шиалар, аббосийлар, хорижийлар* ва бошқа ҳарбий-диний гуруҳлар)га мансуб муаллифлар томонидан ёзилган манбалар ўртасидаги тафовутли маълумотларни қиёсий ўрганиш ҳақиқий воқеликни тиклашда катта аҳамиятга эгадир.

Манбалар гуруҳи сон жиҳатидан ҳам, уларда жамланган материалларни тўқислиги ҳам аҳамиятлидир. Аксарият асарлар IX-XI асрларда ёзилган бўлиб, уларда акс эттирилган VII аср воқеалари фатҳ юришлари иштирокчиларининг оғзаки ҳикоялари орқали баён этилган. VIII асрда ушбу ҳикояларга адабий ишлов берилиб ёзилган, аммо биринчи анъанавий ёзувчиларнинг асарлари бизгача етиб келмаган. Аммо мазкур

асарлар кейинги давр тарихчилари учун муҳим манба сифатида хизмат қилди.

Ривожланиб бораётган давлат ўз ҳукмронлиги доирасидаги аҳолининг таълим соҳасидаги муаммоларини ҳам ҳал этишга ҳаракат қила бошлади. Халқ таълими соҳасини оғиштирмаслик мақсадида унинг иқтисодий ҳимоясини халифалик ўз зиммасига олди. Ўқитувчи билан таъминлаш ва дарс хоналарини жиҳозлаш учун *байт ал-молдан* маблағ ажратила бошланди [14; 73]. Умар ибн ал-Хаттоб даврига келиб, муаллимларга 15 дирҳамдан ойлик маош тайин этилди [5; Т.7. 388]. Саъд ибн Аби Ваққос (ваф. 670 й.) Мадина болаларига ўқиш ва ёзишни ўргатиш учун Ироқдан махсус муаллим келтирди [7; Т.1. 1205].

Ал-Хулофо ар-рошидун даврида кичик мактаблар ва одоб ўргатувчи устозларнинг мавжуд бўлганлиги ҳақида маълумотлар етарли. Аммо, Мадинадан ташқаридаги таълимий ҳаракатларнинг қай тарзда бўлганлиги ҳақида тўлиқ маълумот мавжуд эмас. Бироқ Тоифда бошланғич мактаб бўлганлиги, унда Жарир ибн Ҳайа ас-Сақифий таълим берганлиги ҳақида маълумот сақланган [5; Т.7. 386, 7; Т.1. 1210]. Мадинада *Дор ал-қурроъ* – «қорилар уйи» бўлиб, у Бадр жангидан кейин шаклланган. Бироқ унинг объекти, тутган ўрни, ваколоти, вазибалари жиҳатидан бу ерда асосан қуръон илмри мактабига асос солинганлигини фараз қилиш мумкин. Пайғамбар даврида таълим учун вакиллар юбориш ҳаракати фаол бўлганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд. Бироқ Абу Бакр давридаги *ар-Ридда* ҳаракати туфайли саҳроларга муаллимлар юборилганлиги ҳақида маълумотлар етарли эмас. Кейинчалик,



Умар ибн ал-Хаттоб даврида саҳроларга муаллим юбориш яна фаоллашди [5; Т.3. 281, 7; Т.1. 1214].

Мусулмонларни Қуръон ва дин илмларини ўрганишга жалб этиш мақсадида пул мукофотлар тайин этилганлиги масаласи ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий аспекти очиб беришда хизмат қилади. Тадқиқотчи Абдулазиз Солиҳ ал-Ҳалабий тарихчи Абу Убайданинг (ваф. 865 й.) маълумотига асосланиб, халифа Умар Қуръон ўрганувчиларга маош тайин этишни омилларга буюрганини зикр этади [20;12]. Аммо, ал-Балазурийнинг хабар беришича, Куфа амири Саъд ибн Аби Ваққос Қуръон ўрганувчиларга 2000 дирҳамдан мукофот тайин этганда халифа Умар Қуръон ўқувчиларга мукофот бермасликни амр этган [3; 442]. Ҳар иккала тарихчининг бири-бирига зид маълумотини таҳлил қилиш мобайнида шундай хулосага келиш мумкин: аввало Умар ибн Хаттоб халифалигининг илк даврларида, яъни *ар-Ридда* ҳаракати энди тўхтаган пайтда араблар орасида моддий рағбатни кучайтириш ва Қуръонни ёд олганларга имтиёзлар берилган бўлиши мантиқан тўғридир. Сўнгра эса мусулмонлар ислом динини тўлиқ ўзлаштирганларида Қуръон ўқиш, ёд олиш ислом динининг *фарз* амалларидан бўлганлиги сабабли уларга моддий рағбатлантириш шарт эмаслигини таъкидлаган. Демак, ҳар икала маълумот ҳам ўз даври нуқтаи назаридан асослидир.

Мусулмонлар Қуръон, унинг тафсири ва ҳадис илмларини ўрганиш билан бирга, забт этилган давлатларнинг тили, адабиёти, урф-одатлари ва улар

ўрганаётган илмларни ўрганишга ҳаракат қила бошладилар. Савдо ва ҳунармандчилик, жамият ҳаётидаги ўзгаришлар турли муаммоларни келтириб чиқарди. Уларнинг ечимини топиш илм-фаннинг ривожига туртки берди. Араб-мусулмон давлатининг кенгайиши ва аҳолининг кўпайиши, шаҳарлар сонининг ошиши ва умумий тараққиёт даражаси араб тилидан бошқа тилларни ўрганишни тақозо эта бошлади. Мусулмонлар бошқа миллат ва давлат аҳолисини истило эта бошлагач, Арабистон ярим оролидан ташқарида яшовчи халқларнинг тилларига муҳтожлик сеза бошланди. Пайғамбар котибларидан Зайд ибн Собит форсий, румий, ҳабаший, оромий, иброний ва сурйоний тилларида ёзар ва ўқир эди [14; 67]. Ибн Саъднинг хабар беришича, Зайд ибн Собит Муҳаммад пайғамбарнинг буйруғи билан яҳудий тилини ўрганган [5; Т.2. 358].

Тарих соҳаси эса, Муҳаммад пайғамбар сийраси ва аввалги пайғамбарлар қиссалари билан ёнма-ён олиб борилди. Мусулмон болаларга Қуръон суралари ўқитилганидек, Пайғамбар ҳаёти ҳам ўргатила бошланди [5; Т.4. 368]. Али ибн Абу Толиб Ҳимярийлар давлати тарихини ўрганишга қизиқар эди [6; Т.2. 68].

Насаб илми мусулмонларга жоҳилият давридан маълум эди. Насаб илмига бўлган аҳамият Пайғамбар ва илк араб халифалари даврида ҳам диний, ижтимоий, ҳарбий ҳамда идоравий эҳтиёжлар туфайли йўқолмади. Ислом қабилавий тарафкашлик ҳамда насаблар билан фахрланиш каби одатларни ҳаром қилган бўлсада, насаб илми – уйланиш, мерос каби шаръий ҳукмлар татбиқида муҳим ўрин тутди.



Муҳаддислар учун ровийларнинг насабларини ажратиш, ҳарбий жиҳатдан эса, ҳар бир қабила алоҳида ҳарбий бирликни ташкил қилиш, шунингдек, шаҳарлардаги ижтимоий, бошқарув тизимининг асосини ташкил этди [5; Т.3. 295-299, 2; 436-437, 7; Т.1. 2752]. Демак, Умар ибн ал-Хаттоб даврида ташкил этилган аскарлик девони насаблар қайд этилган биринчи тўплам вазифасини ўтади.

Қадимда араблар ёзишда ясси тош, туяларнинг курак суяги, дарахт пўстлоқлари, газлама матолар, терилар ва папирусдан фойдаланганлар. Ёзишда терининг *ар-риққ*<sup>2</sup>, *ал-одим*<sup>3</sup>, *ал-қадим*<sup>4</sup> каби турлари қулай ҳисобланган. Саҳобалар Қуръони карим сураларини узоқ сақланадиган бўлганлиги учун *ар-риққ* терисига ёзишга *ижмоъ* қилганлар [15; Т.1. 49]. Тадқиқотларда, Муҳаммад пайғамбар, Абу Бакр ва Умар ибн ал-Хаттоб даврида ёзишда ясси тошлар, суяклар ва терилардан фойдаланилган, қоғоз ва папируснинг пайдо бўлиши ҳижратнинг II асрига тўғри келади, деган хулоса мавжуд [15; Т.1. 68]. Аммо, европалик тадқиқотчи В. Фишернинг фикрича, Арабистон ярим оролида 642 йилда айнан *ҳижозий* ёзувида ёзилган папирус топилган. Мисрлик тадқиқотчи Солиҳ Аҳмад ал-ЪУлий Абу Бакр Қуръонни жамлашда папирусдан фойдалангани ва Миср давлат кутубхонасида шу папируслардан бири сақланаётганини маълум қилади [15; Т.1. 54-55]. Шунингдек, Қуръони карим оятларида ҳам «қоғоз» – (قرطاس) сўзи

<sup>2</sup> الرق – оқ юпқа тери.

<sup>3</sup> الأديم – ҳар қандай тери. Баъзида қизил тери, ошланган тери деб номланган. Мана шу тери Муҳаммад пайғамбар даврида кенг фойдаланилган. Қуръонни ҳам шу терига ёзилган.

<sup>4</sup> القضييم – оқ тери, оппоқ саҳифа.

зикр этилади [Қуръон. 6:7]. Тарихий манбаларнинг маълумот беришича, Усмон ибн Аффон даврида ўз уйи ёнида тоза қоғозлар (папирус) сақлаш учун махсус қоғозхона (омбор) ташкил этилган [2; Т.1. 22]. Папирус асосан Мисрда тайёрланиб, унинг бир ўрами (14,5 метр) 1,5 динор баҳоланган [18; 162-163]. Тадқиқотчи А.Б. Халидовнинг фикрича, Хитойда ишлаб чиқарилган қоғоз Сосонийлар давлатига VI асрнинг охирида олиб келина бошланган [18;163]. Демак, папирус Арабистон ярим оролида исломдан олдин маълум бўлган. Хитой қоғози эса, Сосонийлар давлати орқали арабларгача етиб келган бўлиши керак.

Араб маданияти – деб ном олган маданият мусулмон халқларининг анъаналари асосида исломга мослаштириб мужассамлаштирилган маданият бўлиб хизмат қилди. Араб тили – ислом дини бирлаштирган халқ ва элатларнинг алоқа тилига айланди. Араблар Византияга қарам бўлган Сурия, Миср ва Эронда мавжуд ижтимоий ва сиёсий давлат тизими, маъмурий ташкилотлар, моддий ва маънавий ҳаёт удумларини ўзлаштирдилар. Шунингдек, Сосонийлар давлатидан марказлашган давлат идораси, солиқ сиёсати ва ишлаб чиқариш усулини қабул қилдилар. Давлатдаги тараққиёт даражаси турлича бўлган мамлакатлар ва халқларнинг бир давлатга бирлашуви, улар ўртасида яқин алоқаларнинг ўрнатилиши, иқтисодий ҳаётнинг раванқ топиши ички ва ташқи савдо алоқаларининг ривожига туртки берди. Натижада халифаликни ташкил этган халқлар маданияти европадаги тарқоқ



давлатлар, мамлакатлар маданиятидан юқори даражага етди.

### References:

1. Қуръони карим ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. – Тошкент: Nilol nashr, 2022.
2. ал-Балазурий. Ансоб ал-ашроф: 2 жилдли. – Байрут. 1977.
3. ал-Балазурий. Футуҳ ал-булдон. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-ъилмийа, 1403 ҳ.
4. аз-Заҳабий, Муҳаммад ибн Аҳмад. Та'рих ал-ислом. 'Аҳд ал-хулафо' ар-рошидин. – Байрут: Дор ал-китоб ал-ҳадис, 1987.
5. Ибн Саъд. ат-Табақот ал-кубро: 8 жилдли. – Байрут: Дор ас-садр, 1984-1988.
6. ал-Мовардий, Абу-л-Ҳасан. ал-Аҳком ас-султонийа: 2 жилдли. – Байрут. Дор ал-кутуб ал-ъилмийа, с.й.
7. ат-Табарий. Тарих ал-умам ва-л-мулук: 8 жилдли. – ал-Қоҳира, 1982.
8. Халифа ибн Хаййот. ат-Та'рих. – ар-Рийод: Дор тойиба, 1968.
9. ал-Ҳалабий, Абд ал-Азиз Солиҳ. ал-Ҳарака ас-сақофийа фи-л-жазира ал-арабийа ҳатто ниҳоят аср ал-хулафо' ар-рошидин // ал-Жазира ал-ъарабийа фи аср ар-Расул ва-л-хулафо' ар-рошидин. – Т. 3. – ар-Рийод. 1998.
10. Большаков О.Г. Средневековый город Ближнего Востока: VII-середина XIII в.: Социально-экономические отношения – М.: Восточная литература, 2001.
11. Дубровская О.Н. Древние религии мира. – Москва: 2003.
12. Исмоил Махдум. Тошкентдаги Усмон Мусҳафининг тарихи. – Т.: Моварауннаҳр, 1995.
13. Климович Л.И. Ислам. – М.: Наука, 1965.
14. Абд ал-Ваҳҳоб ан-Нажжор. ал-Хулафо' ар-рошидин. – Байрут.: Дор ал-қалам, 1986.
15. Сомий Хаммос ас-Саққор. Ламаҳот фи нушу' ал-ҳарака ал-илмийа фи-л-Ҳижоз фи садр ал-ислом // ал-Жазира ал-арабийа фи аср ар-Расул ва-л-хулафо' ар-рошидин. Т. 3. – ар-Рийод, 1998.
16. ал-Улий, Солиҳ Аҳмад. Дирсот фи татаввур ал-ҳарака ал-фикрийа: 2 жилдли. – Байрут. Муъассасат ар-рисола, 1983.
17. ал-Умарий, Акрам Дийо'. Аср ал-хилофа ар-рошида. – ар-Рийод, 1998.
18. Усмонов М. Қуръони Карим ва жаноби Расуллуоҳ амаллари. – Т.: Нур, 1992.
19. Халидов А.Б. Арабские рукописи и арабская рукописная традиция. – Москва, 1985.
20. Ханна аль-Фахури. История арабской литературы. – Москва, 1959.
21. Arabic Calligraphy in Manuscripts / An Exhibition of Arabic Calligraphy at the Islamic Art Gallery. – Riyadh, 1986.
22. Fischer W. Grundriss der arabischen Philologie. Band I: Sprachwissenschaft. Herausgegeben von Wolf Dietrich Fischer. – Wiesbaden: Dr. Ludwig Reichert Verlag, 1982.
23. Nadvi S.M. Hazrat Usman Ghani. – Lahore, 1994.
24. Союз воинствующих безбожников СССР / Атеистический словарь. – М.: Политиздат, 1985.